



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 20 » yanvar

№ 37

Toshkent sh.

### **“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сон ҳамда “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарорига мувофиқ;

**“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури (кейинги ўринларда – Дастур) амалга оширилиши;**

**ташаббускорлар қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларда бизнес кўниммаларига ўқитилиши;**

**амалий ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, сертификат олган ташаббускорлар Дастур доирасида молиявий ва консультатив қўллаб-қувватланиши;**

**“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Дастурни самарали амалга ошириш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Куйидагиларни назарда тутувчи “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури ташаббускорларини танлаш, уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Дастур иштирокчиларини танлаб олиш тартиби;

Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари томонидан ўқитиш жараёнини ташкил этиш;

молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларидан фойдаланиш йўналишлари ва тартиби;

ташаббускорларга консультатив хизматлар кўрсатиш тартиби.

### 3. Белгилансинки:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби** Дастур доирасида ўқув жараёнларини ташкил этиш, ўқув дастурларини замонавий ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш, ўқитиш бўйича тренерларни танлаш ва Кичик бизнесга кўмаклашиш марказларининг (кейинги ўринларда – марказлар) раҳбар ва ходимлари малакасини оширишга **масъул хисобланади**;

марказлар ўқув жараёнларини Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, унинг ҳудудий филиаллари, олий таълим муассасалари, “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, саноат корхоналари, эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари, технопарклар ҳамда саноат кластерлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади;

Дастурда иштирок этадиган тижорат банклари томонидан амалий ўқув курсларини муваффакиятли тугатиб, сертификат олган ташаббускорлар лойиҳалари мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ тартибда молиялаштирилади;

Дастурда иштирок этиш, молиявий ва консультатив қўллаб-куватлаш воситаларидан фойдаланиш борасидаги барча жараёнлар, шу жумладан, тижорат банклари томонидан соддлаштирилган тартибда қарор қабул қилиш, кредит шартномаларини расмийлаштириш ва лойиҳаларни мониторинг қилиш **Бизнес портал** орқали амалга оширилади.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда тижорат банкларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБга жойлаштирилган:

**223 млрд сўм** микдоридаги субординар қарзнинг асосий қарз тўловини 2030 йилдан бошлаб **5 йил давомида** teng улушларда қайтариш;

**320,9 млрд сўм** микдоридаги кредит линияси маблағларини қайтаришнинг сўнгги муддатини ўзгартирган ҳолда, асосий қарз тўловини 2030 йилдан бошлаб teng улушларда тўлаб бериш шарти билан **субординар қарз сифатида қайта расмийлаштириш**;

б) “Микрокредитбанк” АТБга **977 млрд сўм** микдоридаги ресурс жойлаштириш мақсадида тузилган кредит ва депозит шартномалари бўйича қолдиқ суммасини шартномаларнинг дастлабки шартларини ўзгаришсиз қолдирган ҳолда **субординар қарз сифатида қайта расмийлаштириш**;

в) “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида “Микрокредитбанк” АТБга жойлаштирилган **425 млрд сўм** микдоридаги депозит маблағларни қайтариш муддатини **7 йилга узайтириш**.

Бунда мазкур банднинг “а” ва “б” кичик бандларида назарда тутилган маблағлар Дастур доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **икки ҳафта муддатда** тегишли шартномаларга ушбу банддан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарорига мувофиқ марказлар орқали лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни сотишдан тушадиган **1,0 трлн сўм** миқдоридаги маблағни “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” МЧЖга (кейинги ўринларда – Жамғарма) **10 йил муддатга** фоизсиз бюджет ссудаси сифатида ажратиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, ушбу ссуда 2024–2026 йилларда босқичма-босқич қўйидаги тартибда ажратилади:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Жамғарма ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига давлат активларини сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан республика бюджетига қайтариш шарти билан – **800 млрд сўм**;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг худудий бошқармалари ҳамда Жамғарма ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан – **200 млрд сўм**.

Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров **икки ҳафта муддатда** мазкур бандда назарда тутилган маблағларни ажратиш графигини тасдиқласин.

## 6. 2024 йил 1 февралдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Солиқ қўмитаси Бизнес порталдаги маълумотлар асосида Дастур доирасида молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларидан фойдаланишни бошлаган кичик тадбиркорлик субъектлари тўлаган солиқ суммасининг **икки йил давомида** алоҳида ҳисобини юритади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига **ҳар ойда** маълумот тақдим этиб боради;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **ҳар ярим йиллик якунлари бўйича** Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида мазкур тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган **солиқлар ҳажмига тенг миқдорда** “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБга фоизсиз бюджет ссудаси ажратади.

## 7. “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ:

**икки ой муддатда** халқаро молия институтлари, консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб этган ҳолда банкнинг активлари, операцион ва бизнес жараёнларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, самарасиз харажатларни қисқартириш ва банк ташкилий тузилмасини оптималлаштириш чора-тадбирларини;

**2024 йил 1 апрелга қадар 2024–2026 йилларда** банкни ривожлантириш ва рақамли трансформация қилиш стратегиясини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-куватлаш чоратадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарорига мувофиқ “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг **1,14 трлн сўмлик** қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ устав капиталини ошириш учун ажратилган **75,0 млн АҚШ доллари** микдоридаги маблағлар ҳисобидан “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан уни давлат рўйхатидан ўтказиш тавсия этилсин.

9. “Микрокредитбанк” АТБ ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг:

ахолини касб-хунарга ўқитиш ва малакасини ошириш, касаначиларга комплекс ёрдам бериш, касаначилар ва фаолиятини касаначилик асосида ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорлик субъектларига бепул маслаҳат, консалтинг хизматларини кўрсатишга ихтисослашган **“Касаначилар мактаби”**ни ташкил этиш;

тажрибали касаначиларни “Касаначилар мактаби”да муассис сифатида иштирок этишга жалб қилиш;

**ҳар йили** оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида “Микрокредитбанк” АТБга ажратилган ресурсларнинг камида **100 млрд сўм** кисмини касаначилик лойиҳаларини молиялаштиришга ўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

10. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

“Микрокредитбанк” АТБга “Касаначилар мактаби” фаолиятини ташкил этиш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишга **услубий кўмаклашсин**;

“Касаначилар мактаби”да ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни ўқитиш, касаначиларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш харажатлари белгиланган тартибда Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айrim хужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “20” январдаги 37-сон қарорига  
1-илова

**“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш”  
комплекс дастури ташаббускорларини танлаш, уларнинг лойиҳаларини  
қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурида иштирок этиш хуқуқига эга ташаббускорлар лойиҳаларини танлаб олиш, молиялаштириш ҳамда мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Дастур** – кичик бизнес субъектларини молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури;

**Жамғарма** – Дастурни амалга оширишни ташкил этиш ҳамда “Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази” МЧЖлар фаолиятини мувофиқлаштириб боришига масъул “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” МЧЖ;

**марказлар** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Дастур доирасида ташаббускорларни ўқитиш, лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашиш ва уларнинг мониторингини юритишга масъул бўлган “Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази” МЧЖлар;

**ҳамкор банклар** – Дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштирища иштирок этувчи АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ ва бошқа тижорат банклари;

**ҳоким ёрдамчиси** – маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси;

**молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари** – Дастур доирасида кредит ажратиши, лизинг бериши, фоизсиз бўлиб тўлаш шарти билан қарз ажратиши, лойиҳаларда улушдор бўлиб иштирок этиши ва грант маблағлари тақдим этиши орқали кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари;

**консультатив қўллаб-қувватлаш чоралари** – Дастур доирасида лицензия, рұхсатнома ва сертификатлар олиш, солиқ, божхона, ташқи савдо фаолияти, давлат харидлари, ер участкалари ва бино-иншоотлар ажратиши масалаларида қўмаклашиш, шунингдек, имтиёз ва преференциялар, бошқа енгилликлар ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш;

**баҳолаш гурухи** – истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш, тоифаларга ажратиш ва бизнес лойиҳани баҳолашга масъул марказлар хузуридаги Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гурухи;

**лоийҳа ташаббускори** – камида 1 йил узлуксиз фаолият юритиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, дехқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилганлар, ҳунармандлар, касаначилар, шунингдек, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда оиласвий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга юридик ва жисмоний шахслар;

**ваколатли органлар** – Дастур доирасида лойиҳа ташаббускорларини танлаш, ўқитиши, лойиҳаларни баҳолаш ва амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларда ўзаро ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар;

**Бизнес портал** – Дастурда иштирок этиш билан боғлиқ бизнес жараёнларни автоматлаштирилган ҳолда ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш имконини берадиган электрон платформа;

**сертификат** – амалий ўқув курсини муваффақиятли тутатиб, бизнес режасини химоя қилган лойиҳа ташаббускорига марказлар томонидан тақдим қилинадиган ва Дастур доирасида молиявий қўллаб-куватлаш воситаларидан фойдаланиш хукуқини берувчи QR-кодли (штрихли) ҳужжат;

**юқори технологик стартап** – сўнгги технологиялар ва илм-фан ютуқларига асосланган инновацион маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқариш (кўрсатиш) ва тижоратлаштириш, янги ечимларни жорий этиш ёки мавжудларини яхшилашга қаратилган таваккалчилиги юқори бўлган лойиҳа;

**улушга конвертация қилинадиган инвестиция** – инвестор, жумладан, венчур фонди томонидан стартап лойиҳага келгусида унинг негизида ташкил этиладиган юридик шахс устав капиталидаги улушга конвертация қилиш шарти билан йўналтириладиган инвестициялар.

3. Дастурда иштирок этиш ва молиявий қўллаб-куватлаш чораларидан Бизнес портал орқали фойдаланилади ва шу билан боғлиқ бизнес жараёнларининг ҳар бир босқичини онлайн кузатиш имконияти яратилади.

4. Дастур доирасида лойиҳа ташаббускорларини баҳолаш, ўқитиши, молиявий, консультатив қўллаб-куватлаш ва лойиҳа мониторингини юритиши ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Дастур иштирокчиларини танлаб олиш тартиби**

5. Лойиҳа ташаббускори Дастурда иштирок этиш учун Бизнес портал орқали онлайн тарзда **икки босқичда мурожаат қиласи**:

**1-босқичда** – лойиҳани танлаб олиш ва амалий ўқув курсида иштирок этиш учун лойиҳанинг дастлабки ҳисоб-китоблари ҳамда фойдаланиш режалаштирилган молиявий қўллаб-куватлаш воситалари кўрсатилган ариза юборилади;

**2-босқичда** – сертификат олгандан сўнг зарур хужжатларни илова қилган ҳолда молиявий қўллаб-куватлаш воситаларидан фойдаланиш учун ариза юборилади.

Дастур доирасида грант маблағларини тақдим этиш воситасидан фойдаланиш учун лойиҳа ташаббускорлари мазкур Низом 4-бобининг 6-параграфида белгиланган тартибда Бизнес портал орқали мурожаат қиласди.

6. Лойиҳани танлаб олиш ва амалий ўкув курсида иштирок этиш учун ариза берилгандан сўнг Бизнес портал орқали лойиҳа ташаббускори икки иш қунида скорингдан ўтказилади.

Скоринг учун зарур маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тижорат банкларидан электрон ахборот алмашинуви орқали олинади.

Лойиҳа ташаббускори скоринг натижалари тўғрисида Бизнес портал орқали хабардор қилинади.

7. Ҳоким ёрдамчиси уч кун муддатда бевосита жойига чиққан ҳолда скорингдан ўтган лойиҳа ташаббускори билан учрашиб, унинг ушбу Низомга 2-иловадаги саволнома асосида белгиланган мезонларга мувофиқлигини ўрганади ҳамда натижалари тўғрисидаги хulosани Бизнес порталга жойлаштиради.

Ҳоким ёрдамчисининг ижобий хulosалари асосида Бизнес-порталда автоматик равишда ташаббускорларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади.

8. Марказлар ҳузурида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ намунавий таркибда лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гурухлари ташкил қилинади.

Лойиҳа ташаббускорларининг фаолият даври, пул айланмаси ва ишчилар сонига қараб, уларнинг тадбиркорлик кўниммаси ва бизнес-режаларининг яшовчанлиги самарадорлиги Жамғарма томонидан тасдиқланадиган методика асосида баҳоланади. Баҳолаш методикаси Бизнес порталга жойлаштирилади.

9. Баҳолаш гурухлари уч кун муддатда дастлабки рўйхатга киритилган лойиҳа ташаббускорларининг истиқболли лойиҳаларини танлаб олади ва ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ уларни тоифаларга ажратади.

### **3-боб. Марказлар томонидан ўқитиш жараёнини ташкил этиш**

10. Марказлар лойиҳа ташаббускорларини ўқитиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ва унинг ҳудудий филиаллари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги, олий таълим муассасалари, “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, саноат корхоналари, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари, технопарклар ҳамда саноат кластерлари билан ҳамкорликда қисқа ва ўрта муддатли амалий ўкув курсларини ташкил қиласди.

Ўкув курсларини самарали ташкил қилиш мақсадида шартнома асосида нодавлат таълим ташкилотлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

11. Лойиҳа ташаббускорлари амалий ўқув курсларида кичик тадбиркорлик субъектларининг лойиҳалари бўйича бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва ишга тушириш, сотув бозорларини кенгайтириш, хусусий инвестиция шерикларини жалб қилиш, бизнесни ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ бошқа йўналишлар бўйича ўқитилади.

12. Лойиҳа ташаббускорлари амалий ўқув курслари якунларида бизнес-режасини ҳимоя қилади.

13. Қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларини муваффакиятли тугатган ва ўз лойиҳасини ҳимоя қилган лойиҳа ташаббускорларига бир кун муддатда марказлар томонидан Дастур доирасидаги қўллаб-куватлаш механизmlаридан фойдаланиш хуқуқини берадиган сертификат тақдим этилади.

#### **4-боб. Молиявий қўллаб-куватлаш воситаларидан фойдаланиш тартиби**

14. Молиявий қўллаб-куватлаш воситаларидан фойдаланиш бўйича ариза лойиҳа ташаббускори томонидан мустақил равишда ёки марказларнинг кўмаги билан Бизнес портал орқали тақдим этилади.

15. Лойиҳа ташаббускори ўз аризасида қуйидаги молиявий қўллаб-куватлаш воситаларидан бирини ёки бир нечтасини кўрсатиши мумкин:

100,0 млн сўмгача гаровсиз кредит;

150,0 млн сўмгача гаров талаби пасайтирилган револьвер кредит;

1,0 млрд сўмгача кредит;

1,5 млрд сўмгача кредит;

1,5 млрд сўмгача лизинг хизмати;

1,5 млрд сўмгача фоизсиз бўлиб тўлаш шарти билан қарзга асосий восита олиб бериш;

loyiҳa қийматининг 20 фоизигача қисмига, бироқ 1,0 млрд сўмгача бўлган миқдорда улушдор бўлиб иштирок этиш;

2,0 млрд сўмгача грант маблағлари тақдим этиш.

16. Лойиҳа ташабbускорига бир вақтнинг ўзида бир нечта молиявий қўллаб-куватлаш воситалари тақдим қилинганда, уларнинг умумий миқдори 2 млрд сўмдан ошмаслиги лозим.

Тадбиркорлик субъектлари ушбу лимит доирасида мавжуд кредитга қўшимча равишда молиявий қўллаб-куватлаш воситаларидан такроран фойдаланишларига рухсат этилади.

17. Молиялаштириш маъкулланган аризалар мавжуд ресурс маблағлари доирасида рўйхатга олинган идентификация рақами кетма-кетлиги асосида молиялаштириб борилади.

18. Дастур бўйича тақдим қилинадиган молиявий қўллаб-куватлаш воситалари тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвараклар режасига мувофиқ алоҳида ҳисобваракларда юритилади.

### **1-§. Кредит ва лизинг ажратиш**

19. Лойиҳа ташаббускори кредит (ёки лизинг) хизматидан фойдаланиш учун Бизнес портал орқали ўз аризасига хизмат қўрсатувчи тижорат банкининг ички кредит сиёсатидан келиб чиқиб тегишли ҳужжатларни илова қиласди.

Талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати таянч банк ва ҳамкор банклар томонидан Бизнес порталга жойлаштирилади.

20. Лойиҳа ташаббускорларидан қўшимча ҳужжатлар талаб қилишга йўл қўйилмайди. Тижорат банклари бошқа идораларда мавжуд ахборот ва маълумотларни Бизнес портал орқали идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан мустақил равища олади.

21. Аризалар беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилиб, натижаси бўйича кредит (лизинг) ажратиш ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Бунда 1 млрд сўмгача кредит (лизинг) ажратиш тўғрисидаги қарор тижорат банкларининг ҳудудий филиаллари томонидан қабул қилинади.

22. Тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилган ҳолларда, аризани кўриб чиқиши рад этилади. Бошқа сабабларга кўра аризани кўриб чиқишини рад этиш тақиқланади.

### **2-§. Фоизсиз бўлиб тўлаш шарти билан қарзга асосий восита олиб бериш**

23. Лойиҳа ташаббускори Бизнес портал орқали ўз аризасига Жамғарма қарори асосида белгиланган ҳужжатларни илова қиласди. Бунда мазкур ҳужжатлар рўйхати Бизнес порталда очик-ошкора эълон қилинади ва унда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

24. Аризалар беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилиб, натижаси бўйича марказлар томонидан мазкур молиявий ёрдам инструментини тақдим этиш ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

25. Тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилган, шунингдек, талабгор белгиланган талабларга номувофиқ бўлган ҳолларда молиявий ёрдам воситасини тақдим этиш рад этилади. Бошқа сабабларга кўра, аризани кўриб чиқишини рад этиш тақиқланади.

### **3-§. Лойиҳаларда давлат мулки объекти билан улушдор бўлиб иштирок этиши воситаси**

26. Лойиҳа ташаббускори янги лойиҳаларга ва мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид лойиҳаларига бўш турган давлат мулки обьектлари (кейинги ўринларда – объект) билан мазкур лойиҳа амалга оширилаётган тадбиркорлик субъектининг устав капиталига улушдор бўлиб кириш тўғрисидаги аризани Бизнес портал орқали қуидагиларни илова қилган ҳолда марказларга юборади:

аниқ объектга доир тегишли маълумотлар;

loyiҳa қиймати, шу жумладан, лойиҳa ташаббускори томонидан молиялаштириладиган қисмининг манбалари.

27. Марказлар томонидан лойиҳa ташаббускори ҳисобланган тадбиркорлик субъекти устав капиталида иштирок этиши қуидагилар орқали амалга оширилади:

савдода турган объектни сотиб олиш тўловларини амалга ошириш учун Марказлар томонидан мазкур тўлов суммасини (ёки унинг бир қисмини) мақсадли равишда Марказлар улуши сифатида расмийлаштириш шарти билан лойиҳa ташаббускорига ўтказиб бериш орқали;

савдога қўйилмаган объектларни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан марказлар улуши сифатида лойиҳa ташаббускорига устав капиталига киритиш орқали. Бунда мазкур объектнинг баҳолаш ташкилоти томонидан аникланган қиймати (ёки унинг бир қисми) марказлар томонидан Агентликка бир ой муддатда ўтказиб берилади.

#### **3.1-§. Савдода турган объект қиймати тўловларини амалга ошириш**

28. Савдода турган объект қиймати тўловларини амалга ошириш учун лойиҳa ташаббускори томонидан марказларга қуидагилар тақдим этилади:

аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

loyiҳa ташаббускорининг устав капиталида шаклланадиган марказларга тегишли улуш микдори ҳамда тадбиркорлик субъекти таъсисчилари сафига киритилишини маъқуллаш тўғрисидаги Иштирокчилар умумий йиғилиши қарори;

loyiҳani амалга ошириш бизнес-режаси.

29. Марказлар бир ҳафта муддатда тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқлиги, бизнес-режанинг Баҳолаш методикасига мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, лойиҳa ташаббускорига молиявий ёрдам воситасини тақдим этиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

30. Марказлар ўз қарорини қабул қилгандан кейин икки кун муддатда лойиҳa ташаббускори билан тадбиркорлик субъекти устав капиталида иштирок этиш тўғрисидаги келишув лойиҳасини тақдим этади.

Келишув тузилгандан сўнг объект қиймати тўловлари суммаси (сумманинг бир қисми) тадбиркорлик субъектига ўтказиб берилади.

### **3.2-§. Савдога қўйилмаган объектларни Агентлик томонидан марказлар улуши сифатида лойиҳа ташаббускори устав капиталига киритиш**

31. Савдога қўйилмаган объектни Агентлик томонидан марказлар улуши сифатида лойиҳа ташаббускори устав капиталига киритиш учун лойиҳа ташаббускори томонидан марказга бизнес-режа тақдим этилади.

32. Марказлар бир ҳафта муддатда бизнес-режанинг Баҳолаш методикасига мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, лойиҳа ташаббускорига молиявий ёрдам воситасини тақдим этиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласиди.

33. Молиявий ёрдам воситасини тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда:

марказлар томонидан икки кун муддатда Агентликка объектни лойиҳа ташаббускорининг устав капиталига киритиш мақсадида уни баҳолаш ва устав капиталига марказлар улуши сифатида бериш тўғрисида қарор қабул қилиш юзасидан Бизнес портал орқали мурожаат юборади;

Агентлик икки ҳафта муддатда объектни тадбиркорлик субъекти устав капиталига киритиш масаласини балансда сақловчи билан келишади.

Балансда сақловчи розилиги олинган ҳолда икки ҳафта муддатда объектни баҳоланишини ташкил этади ва баҳолаш ҳисботини марказларга тақдим этади. Бунда баҳолаш хизматлари ҳаки марказлар томонидан Агентликка қоплаб берилади;

Марказ томонидан икки кун муддатда объектни баҳолаш тўғрисидаги ҳисбот лойиҳа ташаббускорига тақдим этилади.

34. Лойиҳа ташаббускори томонидан марказларга лойиҳа ташабbускорининг устав капиталида шаклланадиган Марказга тегишли улуш микдори ҳамда тадбиркорлик субъекти таъсисчилари сафига киритилишини маъкуллаш тўғрисидаги Иштирокчилар умумий йиғилиши қарори тақдим этилади.

35. Марказлар икки кун муддатда лойиҳа ташабbускори билан тадбиркорлик субъекти устав капиталида иштирок этиш тўғрисидаги келишув лойиҳасини тақдим этади.

Келишув тузилгандан сўнг Агентлик томонидан объектни лойиҳа ташабbускори устав капиталига марказлар улушкини шакллантириш ҳисбига киритиш тўғрисида буйруқ қабул қилинади ва объектни сотиб олиш тўловлари суммаси (суммасининг бир қисми) марказлар томонидан Агентликка ўтказиб берилади. Бунда объектнинг баҳоланганд қиймати лойиҳа ташабbускори устав капиталининг 20 фоиздан ортигини ташкил этса, объект учун тўловнинг қолган қисми лойиҳа ташabbusкори томонидан тўланади.

### **4-§. Лойиҳаларда ер участкалари билан улушдор бўлиб иштирок этиш**

36. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер участкаларига (кейинги ўринларда – ер участкалари) бўлган мулк хуқуқи ваижара хуқуқи лойиҳа ташabbusкори томонидан электрон онлайн-аукцион орқали лойиҳани амалга оширишнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб сотиб олинади.

Ер участкаларини сотиб олиш учун лойиха ташаббускори томонидан марказларга қуйидагилар тақдим этилади:

аукцион натижалари түғрисидаги баённома;

loyihha tashabbuskorinинг ustav kapitalida shakllanadig'an markazlarغا tegishiلى ulush mikdori hamda tadbirkorlik sub'ekti taysischilari safiga kiritiliшини ma'kullash tүғrisidagi Ishтирокчилар umumiy yigiliши қарори;

loyihani amalga oshiriш бизнес-rejasisi.

37. Марказлар бир ҳафта муддатда тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқлиги, бизнес-rejekanинг Baҳolash metodikasiga muvofiқligini ўрганиб чиқиб, лойиха ташabbuskoriga molijavij ёрдам vositasini taқdim etishi ёки uni rad etishi tүғrisida қарор қабул қиласdi.

38. Марказлар ўз қарорини қабул қилгандан кейин ikki kун муддатда лойиха ташabbuskorи билан tadbirkorlik sub'ekti ustav kapitalida iштирок etishi tүғrisidagi keliшув loyihasinи taқdim etadi.

Келишув tuzilgandan sунг obъekt қиймати summasi (summanning bir қисми) tadbirkorlik sub'ektiiga ўtkazib beriladi.

#### **5-§. Loyerhalarda asbob-uskunalar, bino va inshootlar hamda boшقا kүriniшdagи moddij aktivlar bilan ulushdor bўlib iштирок etishi**

39. Asbob-uskunalar, bino va inshootlar hamda boшقا kүriniшdagи moddij aktivlarни (keyingi ўринларда – moddij aktivlar) markazlар ulushi sifatiida loyihha tashabbuskorinинг ustav kapitaliga kiritiш учун loyihha tashabbuskorи Business portal orqali markazlaraga ariza beradi.

Arizaga қуйидаги ma'лumotlar ilova қилинади:

binо va inshoot(lar) bўyicha – жойлашган жойи, ўлчамлари, konstrukциялари, teknik ҳолати, narxiga tegishi ma'лumotlar;

asbob-uskuna va boшqa kүriniшdagи moddij aktivlar bўyicha – уларning xususiyati, technologik vazifasи va narxiga tegishi ma'лumotlar;

loyihani amalga oshiriш бизнес-rejasisi.

40. Марказлар бир ҳафта муддатда (baҳolash talab этилган takdirda bir oйdan ortiq bўlmagan muddatda) taқdим этилган ҳужjatlarни tўliқliги, business-rejekanинг Baҳolash metodikasiga muvofiқligini ўрганиб чиқиб, loyihha tashabbuskoriga molijavij ёрдам vositasini taқdim etishi ёки uni rad etishi tүғrisida қарор қabul қiladi.

Bunda markazlar kўчmas mulk obъektlari narxiga oид shakllangan bозор ma'лumotlari taxhiliidan keliib chиқib, obъektning mulkdori bilan keliшувга асосан obъektni baҳolashdan ўtkaziши mumkin.

41. Молиявий ёрдам воситасини тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, марказлар бир кун муддатда лойиҳа ташаббускорига келишув лойиҳасини юборади.

Бунда объектни сотиб олиш шартлари, сотиб олишдаги марказларнинг ҳамда лойиҳа ташаббускорининг улуши, олди-сотди шартномаси лойиҳаси (мавжуд бўлса) ҳамда бино ва иншоотни киритиш ҳисобига тадбиркорлик субъектининг устав капиталидаги улушлар тақсимотига оид ҳисоб-китоблар кўрсатилади.

42. Лойиҳа ташаббускори бир ой муддатдан кечикмай келишув лойиҳасини маъқуллайди ёки рад этади. Келишув маъқулланганда, марказларнинг тадбиркорлик субъекти таъсисчилари сафига киритилишини маъкуллаш тўғрисидаги қарор илова қилинади.

43. Бино ва иншоот марказлар томонидан сотиб олинганда олди-сотди шартномаси икки томонлама тарзда, марказлар томонидан лойиҳа ташаббускори иштирокида сотиб олинганда уч томонлама тарзда расмийлаштирилади.

Сотиб олинган бино ва иншоотни лойиҳа ташаббускори ҳисобланган тадбиркорлик субъекти устав капиталига киритиш масаласи у сотиб олингандан кейин уч кундан кечиктирмай тадбиркорлик субъектининг тегишли бошқарув органи муҳокамасига киритилиши лозим.

#### **6-§. Лойиҳалар учун грант маблағларини тақдим этиш**

44. Лойиҳа ташаббускори Бизнес портал орқали марказларга ариза тақдим этади ва унга Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи 133-сон қарори билан тасдиқланган “Стартап” лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ишлаб чиқилган лойиҳа хужжатларини илова қиласди.

45. Аризаларга мувофиқ лойиҳа хужжатлари беш иш кунида баҳолаш гуруҳлари томонидан қўйидаги мезонлар асосида 100 баллик шкала бўйича баҳоланади:

инновационлиги;

ижтимоий қиймати ва таъсири;

асосчи ва жамоанинг салоҳияти;

ечимнинг мақсадга мувофиқлиги;

амалдаги ҳолати;

амалга ошириш самарадорлиги;

бойни ташаббускори мавжуд аналогларидан фарқи ҳамда мавжуд рақобатчилардан афзаллиги;

бойни ташаббускори инвестицион жозибадорлиги ҳамда юқори ўсиш салоҳиятига эга эканлиги;

бойни ташаббускори амалга оширилишидан кутилаётган натижа;

молиявий кўрсаткичлар таҳлили.

Бунда 70 балдан юқори баҳоланган лойиҳалар танлаб олинади ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига юборилади.

46. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги ўн беш иш кунида тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиб, маъқулланган лойиҳаларни марказларга тақдим этади. Бунда Инновацион ривожланиш агентлиги:

ложиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгаш муҳокамасига киритилишини;

Илмий-техник кенгаш муҳокамасидан муваффақиятли ўтган лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Илм-фан ва инновациялар кенгаши муҳокамасида стартап лойиҳани молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилинишини ташкил қиласди.

47. Марказлар маъқулланган лойиҳа ташаббускорларини мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда махсус дастурлар асосида ўқитади ва сертификат олган ташаббускорларни грант маблағлари ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига йўналтиради.

48. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги мазкур лойиҳаларни ўн беш кун муддатда белгиланган тартибда молиялаштиришни бошлайди.

49. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги давлат илмий дастурлари доирасида молиялаштирилган тижоратлаштириш ва стартап лойиҳалари рўйхатини амалиётга жорий қилиш ва кенгайтиришни қўллаб-кувватлаш мақсадида марказларга тақдим этиб боради.

## **5-боб. Маслаҳат хизматларини кўрсатиш тартиби**

50. Лойиҳа ташаббускорлари сўровига кўра, марказлар томонидан қўйидаги масалалар бўйича маълумот ва маслаҳатлар берилади.

лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш, божхона ҳамда солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш;

давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари, бино ва иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;

тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар.

51. Марказлар зарур ҳолларда лойиҳа ташаббускорларига давлат органларидан тегишли ҳужжатларни олиш, шунингдек, имтиёз ва преференциялар қўлланишини таъминлашда кўмаклашади.

## **6-боб. Якунловчи қоидалар**

52. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

53. Дастур доирасида лойиҳа ташаббускори ёки иштирокчилар ваколатли органларнинг, Жамғарма, марказлар ва тижорат банклари масъул ходимларининг, ҳоким ёрдамчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

54. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига марказлар фаолиятига, шу жумладан, уларнинг лойиҳа ташаббускорларини танлаб олиш, лойиҳаларни баҳолаш ва молиялаштириш, раҳбар ходимларини тайинлашга араласиши, шунингдек, марказлар маблағлари ҳисобидан турли хил хайрия (ҳомийлик) тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланади.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури ташаббускорларини танлаш, уларнинг лойихаларини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тўғрисидаги низомга 1-илова

**Дастур доирасида лойиҳа ташаббускорларини баҳолаш, ўқитиш, молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлаш ва лойиҳа мониторингини юритиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Лойиҳа ташаббускори	1. Дастурда иштирок этиш учун Бизнес порталда рўйхатдан ўтиб, молиявий воситани кўрсатган ҳолда ариза юборади.	Ўз хоҳишига кўра
	Бизнес портал (инсон омилисиз)	2. Ариза берувчи онлайн скорингдан ўтказилади ҳамда натижаси Марказга юборилади.	Автоматик тарзда
	Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази	3. Онлайн скорингда ижобий деб баҳоланганди, лойиҳа жойига чиқсан ҳолда намунавий шаклдаги электрон саволнома асосида ўрганиш учун масъул ҳоким ёрдамчисига юборилади.	Келиб тушган кундан кечиктирмасдан
	Ҳоким ёрдамчиси	4. Ўрганиш натижаларини Бизнес портал орқали марказга юборади.	Уч кун муддатда
	Бизнес портал (инсон омилисиз)	5. Ташаббускорларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади.	Автоматик тарзда
2-босқич	Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази хузуридаги Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гурухлари	1. Дастлабки рўйхатга киритилган ташаббускорларнинг тадбиркорлик кўнникмаси ва бизнес-режаларининг яшовчанлигини баҳолаш асосида истиқболли лойиҳалар танлаб олинади ва уларнинг фаолият даври, пул айланмаси ва ишчилар сонига қараб тоифага ажратилади ҳамда ўқитиш учун йўналтирилади.	Уч кун муддатда
	Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази	2. Тавсия этилган лойиҳа ташаббускорлари қисқа ва ўрта муддатли амалий ўкув курсларида ( <i>масофавий ёки анъанавий</i> ) ўқитилади.	Танланган ўкув дастурига мувофиқ
	Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази	3. Тест ( <i>имтиҳон</i> ) синовларини муваффақиятли топширган ҳамда тайёрлаган бизнес-режасини муваффақиятли химоя қилган ташаббускорга сертификат берилади.	Бир кун муддатда

	Лойиҳа ташаббускори	1. Сертификат олган ташаббускор комплекс дастур доирасидаги құллаб-куватлаш механизмларидан фойдаланиши учун хизмат күрсатаётган ҳамкор банкига молиявий воситалардан фойдаланиш бўйича Бизнес портал орқали онлайн ариза билан мурожаат қиласди. Лойиҳа ташаббускори кредит (ёки лизинг) хизматидан фойдаланиш учун Бизнес портал орқали ўз аризасига хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг ички кредит сиёсатидан келиб чиқиб, тегишли ҳужжатларни илова қиласди	Ўз хошиига кўра
3-босқич		2. Ариза ва тақдим этилган тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилиб, натижаси бўйича қуидаги мос ҳолдаги ваколатли идоралар молиявий воситалардан фойдаланиш ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бунда:	
	Тижорат банки	кредит (лизинг)	Беш кун муддатда
	Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази	бўлиб тўлаш шарти билан қарз	Беш кун муддатда
	Инновацион ривожланиш агентлиги	улуш киритиш	Киритилаётган улуш шаклидан келиб чиқиб белгиланади
4-босқич	Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази, тижорат банклари	1. Иштирокчилар лойиҳаларининг мунтазам мониторинги юритилади.  2. Марказ лойиҳага улушдор бўлиб кирган лойиҳалардаги ўз улушкини бозор тамойиллари асосида белгиланганди тартибда сотади.	Хар чорақда  Белгиланганди тартиб ҳамда муддатларда

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури ташаббускорларини танлаш, уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тўғрисидаги низомга 2-илова

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб қувватлаш” комплекс дастури лойиҳа ташаббускори  
нинг фаолият юритиш жойига чиқиб ўрганиш  
**СЎРОВНОМАСИ**

Ташкилот номи/ФИО

\*

СТИР/ПИНФЛ

\*

Телефон рақами

\*

Тадбиркорлик фаолият тури

\*

Лойиҳа мақсади

\*

Қайси банк мижози

\*\*

Лойиҳани амалга ошириш жойи

\*

Кадастр ёки ижара шартномаси рақами

\*

Сўралаётган молиявий восита номи

\*

Миқдори

\*

Таъминот тури

\*

Сони

\*

Реквизитлари

\*

Охирги 12 ойлик пул айланмаси

\*\*

(мавжуд бўлса)

Оилавий тадбиркорлик дастурида иштирок этган

Мавжуд кредит қолдиги

\*\*

Кредит маблагининг мақсадли ишлатилгани



Ха



Йўқ

Яратилган ишчи ўринлари



Жами ишчилар сони

\*\*

Хулоса

Лойиҳа ташаббускорини дастлабки рўйхатга киритиш тавсия этиладими?



Ха



Йўқ

Изоҳ



Ҳоким  
ёрдамчиси

Изоҳ. \* Ушбу маълумотлар Бизнес портал орқали автоматик равишда тўлдирилади.

\*\* Ушбу маълумотлар тегишили ташкилотлар билан интеграция қилингунига қадар маълумотлар анъанавий шаклда олинib, сўровномага киритилади ва бу тўғрисида изоҳ катакчасида баён қиласди.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс  
дастури ташаббускорларини танлаш, уларнинг лойиҳаларини  
қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тўғрисидаги низомга  
3-илова

## **Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳининг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозими бўйича* – “Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази” МЧЖ директори – *Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳи раҳбари*
2. *Лавозими бўйича* – Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси
3. *Келишувга асосан* – Лойиҳа ташаббускорига хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг ишончли вакили
4. *Келишувга асосан* – Эксперт
5. *Келишувга асосан* – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги вакили

“Кичик бизнесни узлуксиз кўллаб-кувватлаш” комплекс  
дастури ташаббускорларини танлаш, уларнинг лойихаларини  
кўллаб-кувватлаш ва молиялаштириш тўғрисидаги низомга  
4-илова

### Ташаббускорларни тоифаларга ажратиш мезонлари

T/p	Тоифалар	1-тоифа		2-тоифа			3-тоифа		4-тоифа
1	<b>Молиявий восита тури</b>	100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар	150 миллион сўмгача гаров талаби пасайтирилган револьвер кредитлар	1 миллиард сўмгача кредитлар	1,5 миллиард сўмгача кредитлар	1,5 миллиард сўмгача лизинг хизматлари кўрсатиш	1,5 миллиард сўмгача фоизсиз бўлиб тўлаш шарти билан карзга асосий восита олиб бериш	Лойихаларда 1 миллиард сўмгача микдорда улушдор бўлиб иштирок этиш	2 миллиард сўмгача грант маблаглари тақдим этиш
2	<b>Воситани олиш мақсади</b>	ишлаб чиқаришни ташкил этиш	ишлаб чиқаришни ташкил этиш	асосий воситаларни сотиб олиш	асосий воситаларни сотиб олиш	асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар ва маҳсус техникаларни сотиб олиш	асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар ва маҳсус техникаларни сотиб олиш	бўш турган давлат мулки объектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино ва ишишотлар ҳамда бошқа кўринишдаги моддий активларни сотиб олиш	инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва юкори технологик стартап лойихаларни молиялаштириш
3	<b>Ишчи ўринларининг мавжудлиги</b>	якка тартибдаги тадбиркорлар, дехкон хўжаликлари, ўзини ўзи банд килган шахслар, хунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган	кичик тадбиркорлик субъектлари-3 ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган	кичик тадбиркорлик субъектлари-3 ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган	кичик тадбиркорлик субъектлари-камидаги 5 нафар кишини доимий иш билан таъминлаётган	кичик тадбиркорлик субъектлари-камидаги 10 нафар кишини доимий иш билан таъминлаётган	кичик тадбиркорлик субъектлари-камидаги 10 нафар кишини доимий иш билан таъминлаётган	кичик тадбиркорлик субъектлари-камидаги 10 нафар кишини доимий иш билан таъминлаётган	кичик тадбиркорлик субъектлари-3 ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган
4	<b>Пул айланмасига талаб</b>	талаб мавжуд эмас	талаб мавжуд эмас	охирги 12 ойда айланма маблаглари микдори 500 млн сўмдан 10 млрд сўмгача	охирги 12 ойда айланма маблаглари микдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача	охирги 12 ойда айланма маблаглари микдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача	охирги 12 ойда айланма маблаглари микдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача	охирги 12 ойда айланма маблаглари микдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача	талаб мавжуд эмас

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “20” январдаги 37-сон қарорига  
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори  
 билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш  
 хусусиятига эга айrim ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари  
 тўғрисидаги ягона низомга киритилаётган  
 ўзгартириш ва қўшимчалар**

20-иловада:

а) 7-позициянинг учинчи устуни қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши  
 билан тўлдирилсин:

“Кичик бизнесга қўмаклашиш марказлари томонидан янги лойиҳалар  
 учун тадбиркорлик субъектларига тор доирадаги мутахассис сифатида жалб  
 қилинган чет эл фуқаролари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари  
 миқдорида”;

тўртинчи – ўнинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – ўн биринчи  
 хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 11-позициянинг учинчи устуни қўйидаги мазмундаги “<sup>а<sup>1</sup></sup>” кичик банди  
 билан тўлдирилсин:

“<sup>а<sup>1</sup></sup> Кичик бизнесга қўмаклашиш марказлари тавсиясига асосан янги  
 лойиҳалар доирасида тор доирадаги мутахассис сифатида жалб қилинган чет эл  
 фуқаролари учун – тасдиқномалар меҳнат шартномаси амал қиласидан  
 муддатга, бироқ уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга чексиз марта узайтириш  
 имконияти билан, аммо ҳар бир ҳолатда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга”.

